

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ БОТИР ШУКУРИЛЛАЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ
КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.07 - Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундаражаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor (DSc)
on pedagogical sciences**

Усмонов Ботир Шукуриллаевич

Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш
интеграциясини кластерли ёндашувлар
асосида инновацион ривожлантириш 3

Усмонов Ботир Шукуриллаевич

Инновационное развитие интеграции
высшего образования, науки и производства
на основе кластерных подходов..... 33

Usmonov Botir Shukurillaevich

The cluster approach of innovative
development integration of the higher
education, science and industry 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 69

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ БОТИР ШУКУРИЛЛАЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ
КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.07 - Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Педагогика фанлар доктори (DsC) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Ped140 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги дастури асосида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.avloniy.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирсолиева Мухаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Бегимқулов Узоқбой Шонмқулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Шаринов Шавкат Сафарович
педагогика фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «25» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:www.avloniy.uz; E-mail:avloniy@xtv.uz.)

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Диссертация автореферати 2020 йил «12» 12 кун тарқатилган.
(2020 йил «12» 12 даги 5 рақамли рејстр баённомаси).



М.А.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.Э.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, с.ф.ф.д., доцент

З.К.Исмаилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида таълимга кластерли ёндашувни татбиқ этиш рақамли иқтисодиётни мустаҳкамлаш, юқори технологик соҳаларда етакчилик қилишинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals) да меҳнат бозорида талаб катта бўлган касбий-техник, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, илмий-инновацион фаолиятда рақобатбардошликни ошириш, таълим хизматлари диверсификациясини таъминлаш глобал индикаторлардан бири сифатида белгиланган. Бу ўз навбатида олий таълим ташкилотларининг таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи инновацион кампус сифатидаги фаолиятини такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Дунёда етакчи илмий марказлар, тадқиқотчилар томонидан олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган илмий-инновацион кластерларни ривожлантириш, кластерлар менежменти, уларнинг ўзаро конструктив мулоқот механизмларини такомиллаштириш, кадрлар инновацион фаоллигини оширишнинг очик ахборот тизимларини яратишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. ЮНЕСКОнинг олий таълим квалификацияларини тан олиш тўғрисидаги Глобал конвенцияси (2019) да олий таълим муассасаларида тайёрланадиган юқори малакали мутахассисларнинг ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилиниши бевосита уларнинг тизимли таҳлил ва креатив фикрлаш кўникмалари, инновацион ривожланишни таъминловчи касбий компетенцияларга эгаллиги билан боғланади. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш, таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини шакллантириш, олий таълим муассасасининг инновацион фаолиятини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш каби истиқболли йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион ахборот-таълим муҳитини ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштириш асосида билимлар трансферини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш таълим жараёнини юқори даражада ташкил этиш ҳамда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тизимли жорий этиш заруратини намоён қилмоқда. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”¹ вазифалари белгиланди. Бу эса олий таълим тизимида кластерли ёндашувга асосланган инновацион

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-6097-сон Фармони.

интеграция моделини, олий таълим муассасаларини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув, педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига боғлиқ ҳолда бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида ривожлантиришга бағишланган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Stanford University (АҚШ), London University (Буюк Британия), Oxford University (Буюк Британия), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Zhejiang University (Хитой), Московский государственный университет имени

²Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи SchmitzHubert. On the Clustering of Small Firms’ in Rasmussen ‘Flexible specialization: a new view on small industry // IDS Bulletin (Special Issue). 1992. - № 23 (3). - P. 64-69; Swann G. M. P., Prevezer M. and Stout, D., eds., The Dynamics of Industrial Clustering: International Comparisons in Computing and Biotechnology. Oxford: Oxford University Press, 1996.p 259. Swann G. M. P., Prevezer M. and Stout, D., eds., The Dynamics of Industrial Clustering: International Comparisons in Computing and Biotechnology. Oxford: Oxford University Press, 1996.p 259. Elsner W. An industrial policy agenda 2000 and beyond: Experience, Theory and Policy // Bremen Contributions to Institutional and Social-Economics. № 34. 1998. – P. 230-234. Elsner W. An industrial policy agenda 2000 and beyond: Experience, Theory and Policy // Bremen Contributions to Institutional and Social-Economics. № 34. 1998. – P. 230-234. Andersson, Thomas, Sylvia Schwaag Serger, Jens Sorvik, and Emily Wise Hansson. The Cluster Policies Whitebook. International Organisation for Knowledge Economy and Enterprise Development. Malmo 2004. – P. 234-239. Волон, В.Т. Фрактально-кластерная теория управления образовательными структурами: монография /В.Т. Волон. — Казань: Издательство Казанского гос. ун-та, 2000. — 303 с. асосида тузилган.

М.В.Ломоносова (Россия) ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: минтақаларда кластерли ёндашув асосида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш механизмининг ташкилий-иқтисодий модели, горизонтал ҳамкорлик стратегиялари асослаб берилган (Massachusetts Institute of Technology, Stanford University); давлат, таълим, илмий-тадқиқот институтлари интеграциясининг конструктив мулоқот тизимини ривожлантириш, кластерларни модернизациялаш бўйича илмий ёндашувлар ишлаб чиқилган (London University), кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда кластерли ёндашув самарадорлигини молиявий-иқтисодий, ижтимоий, техник, экологик баҳолашнинг минтақавий ва миллий даражадаги квалитетрик механизми асослаб берилган (Oxford University); тармоқлараро таълим концепцияси, кластерлар менежменти ва рағбатлантиришнинг инновацион механизмлари яратилган (Ludwig-Maximilians-Universität München); кластерли ёндашувга асосланган фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг гибрид тузилмаси яратилган (Zhejiang University); маҳаллий олий таълим муассасаларининг ҳудудий инновацион кластерлар тизимидаги иштирокини ривожлантириш модели асосланган (Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова); фан, таълим ва бизнес ҳамкорлигининг ташкилий-тузилмавий механизмлари кластерли ёндашув асосида такомиллаштирилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон).

Жаҳонда олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантириш юзасидан бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: таълим муассасалари, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари интеграциясининг ташкилий-бошқарув механизмларини сифат менежменти тамойиллари ва инновацион кластерлар асосида такомиллаштириш; синергетик ёндашув орқали олий таълим муассасалари ва илмий марказлар фаолиятини узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш асосида “интеллектуал кўприк” механизмининг жорий этиш; кластерли ёндашувни олий таълим муассасасининг креатив тадбиркорлиги ва таълим хизматларини диверсификациялашдаги ролини илмий-назарий жиҳатдан асослаш; фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ижтимоий самарадорлик эффектини аниқлаш; рақамли бошқарув тизимлари орқали кластерлар фаолияти мониторингини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим муассасаларини бошқаришнинг замонавий концепциялари моҳияти ҳамда мазмуни, таълим жараёнида интеграция, узвийлик ва узлуксизлик масалалари, таълим жараёнига инновациялар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид илмий тадқиқотлар Р.Джўраев, Ш.Қурбонов, У.Бегимқулов, Ш.Мардонов,

Ф.Закирова, Н.Муслимов, Қ.Олимов, Ш.Шарипов, Э.Юзликаева³лар томонидан олиб борилган.

Таълим тизими менежменти, олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш, стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини жорий этиш, педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини шакллантириш, малака ошириш муассасаларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш механизмлари Ж.Йўлдошев, У.Иноятов, Я.Исмадияров, А.Магруппов, С.Турғунов, М.Юлдашев, М.Мирсолиева, У.Ходжамқулов⁴-ларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида кластерли ёндашувлар асосида таълим жараёнларини ташкил қилиш А.А.Арасланова, Н.В.Васильченко, Г.В.Мухаметзянова, Е.А.Корчагин, педагогик фаолият ва лойиҳалаштириш В.В.Давыдов, А.Н.Леонтьев, В.П.Беспалько, В.С.Леднев, М.И.Махмутов, В.А.Сластенин, узлуксиз таълим тизимининг замонавий механизмини яратиш Б.С.Гершунский, А.М.Новиков, олий таълим тизимини минтақавий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириш бўйича А.Г.Абросимов, Н.Васильченко, А.С.Субетто, В.П.Ковалевский,

³ Джўраев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовке в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дисс...док. пед. наук. -Т.:1995. - 43 с.; Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. -Т.: Шарқ, 2004. -552 с.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ... дисс.-Т.:2007.-305 б.; Мардонов Ш. Педагог кадрларни таълимий кадрлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. Пед.фан.док. ...дисс.- Т.: 2006.-302 б.; Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических ВУЗах. Автореф. дисс. ...док.пед.наук. –Ташкент, 2009. – 39 с.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Пед.фан.док....дисс. -Т.: 2007. -315 б.; Маъмуров Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Пед.фан.док....дисс. автореф. –Т.: 2018. - 32 б.; Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Пед.фан.док. ...дисс. - Т.: 2005. -286 б.; Ш.Шарипов Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ...дисс.автореф. - Т.: 2012.- 46 б.; Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности. Дис... док. пед. наук. – Т.: 2012. – 284 с.

⁴ Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. -Т: Ўқитувчи, 2000.-207 б.; Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс...док. пед.наук. - Т.:2003. -327 с.; Я.У.Исмадияров. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док....дисс. автореф. -Т., 2018. - 32 б.; Магруппов А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док....дисс. автореф. -Т.: 2017. 31 б.; Турғунов С.Т. Теоретические основы управленческой деятельности директора средних общеобразовательных учреждений. Автореф. дис. ...докт.пед.наук.-Т.: 2007-43с.; Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш: Пед.фан.док.... дисс. автореф. -Т., 2016. - 31 б.; Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док(DSc)....дисс. автореф. - Т., 2019. - 68 б.; Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари: Пед.фан.док(DSc)....дисс. автореф. -Т., 2020. - 58 б.

С.Б.Смирновлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган⁵.

Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, кластерли ёндашувни жорий этиш юзасидан олиб борилган илмий ишларнинг аксарият қисми олий таълим тизимининг ривожланиши ва менежментининг амал қилиш механизмларини ўрганишга бағишланган. Олий таълим тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашувининг устувор йўналишлари, меҳнат бозори билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, олий таълим муассасаларининг ҳудудий хусусиятларини эътиборга олиб, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувлар такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари таълим менежменти нуқтаи-назаридан етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти ҳамда Москва давлат университетининг Тошкент филиали илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-121 "Разработка механизма интеграции вузовской науки в инновационную систему республики" (2015-2017 йй.), Швейцария Миллий илмий фонди SCOPES «Institutional Partnerships: Рақамли маҳсулотлар ишлаб чиқишда билимларга асосланган ҳамкорлик “Boost IT” (2009-2012 йй.) ҳамда Жаҳон банкининг Академик Иновациялар фонди “Олий таълимни модернизациялаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувлар асосида инновацион ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувлар асосида ривожлантиришнинг илмий-педагогик муаммо сифатидаги методологик асосларини ёритиш;

⁵Арасланова, А.А. Управление качеством высшего профессионального образования на основе формирования региональных образовательных кластеров: монография / А.А.Арасланова. – 2-е изд., стер. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2016. – 462 с.; Васильченко Н.В. Формирование промышленных кластеров / Н. В. Васильченко, Е. А. Глумскова, В. Д. Секерин // Маркетинг. – 2006. – № 5. – С. 3-17.; Гершунский Б. С. Компьютеризация в сфере образования: проблемы и перспективы: Монография - Москва: Педагогика, 1987; Давыдов, В.В. Проблемы развивающего обучения: опыт теоретического и экспериментального психологического исследования / В.В. Давыдов. – Москва : Педагогика, 1986. – 240 с.; Леонтьев, А.Н. Потребности, мотивы, эмоции / А.Н. Леонтьев. - М., 1971. - 40 с.; Махмутов М.И. Проблемное обучение / Энциклопедия профессионального образования: В 3-х т. / Под ред. С.Я. Батышева. М., АПО, 1999. -С.333-335; Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В. А. Сластенин, И. Ф. Исаев, Е.Н.Шиянов; Под ред. В.А.Сластенина. - М.: Издательский центр "Академия", 2002. - 576 с.; Новиков А.М. "Профессиональная педагогика" Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. Под ред. С.Я.Батышева, А.М.Новикова. Издание 3-е, переработанное. М.: Эгвес, 2009. – 456с.; Шуберт Ю.Ф., Субетто А.С. Научно-образовательное общество- стратегия развития науки, образования и культуры в России XXI века и основа перехода к управляемому ноосферному развитию. Теоретическая экономика. 2017. (ВАК) № 1 (37). С. 18-32.

кластерли ёндашув асосида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини аниқлаштириш;

ўқув ва илмий лабораториялар уйғунлигига асосланган таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг инновацион моделини шакллантириш;

кадрлар тайёрлашнинг ишлаб чиқариш ва олий таълим муассасаси интеграциясида кластерли ёндашувларга асосланган тизим самарадорлик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш;

олий таълим муассасалари билан меҳнат бозорлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтиришга ҳамда уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувлар асосида инновацион ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш, тизимли таҳлил, педагогик диагностика, сўровнома, интервью, илмий прогноз, моделлаштириш, педагогик тажрибасинов, математик-статистик ва маълумотларни қайта ишлаш, интерпретация ҳамда корреляцион таҳлил каби назарий, эмпирик ва квалитетрик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг инновацион ривожлантириш мазмуни кластерли ёндашув орқали таълим субъектларининг вертикал интеграцияси талаблари (худудий коллаборация, экспертлар тармоғи, кластер кафедралар, кластер технологиялари)ни аниқлаштириш ҳамда уларнинг инновацион синергиясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

кластерли ёндашув асосида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий шарт-шароитларини таълим кластерларининг ижтимоий-касбий мослашиш даврини қисқартиришдаги педагогик имкониятларини эмпирик баҳолаш асосида такомиллаштириш зарурати илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-методик механизмлари интеграциялашган очик, креатив ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган ҳамда ички кластерли ҳамкорлик тамойилларига асосланган “ўқув-илмий комплекс” тизимини киритиш воситасида такомиллаштирилган;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантиришнинг тузилмавий-босқичли модели (мазмунли, технологик-фаолиятли, ташхислаш, натижавий) таълим соҳалари бўйича ҳамкорлик мазмуни ва шаклларида горизонтал трансформацияга (ҳамкорликка психологик тайёргарлик, билимлар трансфери, захираларни аниқлаштириш, ижтимоий имидж, креатив тадбиркорлик) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини инновацион ривожланиш кўрсаткичларининг ўсиш даражаси (Inputs, Outputs) кластерлар мониторингини амалга ошириш ва бошқаришнинг рақамли трансформацияга асосланган ахборот тизимларидан (data envelopment analysis) фойдаланиш орқали аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида инновацион ривожлантиришнинг кластерли ёндашувли механизми такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари, фан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг инновацион интеграциясига асосланган ва таълим тизимининг рақобатбардошлигитаъминловчи “ўқув-илмий комплекс” тизими яратилган;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантириш алгоритми ишлаб чиқилган;

халқаро стандартлар асосида олий таълим бошқарувини шакллантириш бўйича профессор-ўқитувчиларининг фаолиятини баҳоловчи норавшан тўплам усули таклиф этилган;

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини малакасини ошириш курслари ўқув режасидаги “Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ташкил этиш” модулининг мазмуни кластерли ёндашув асосида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ мавзуларни, ахборот-методик таъминотни киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллари билан илмий асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавзу доирасидаги илмий изланишлар натижасида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантириш мазмуни, ташкилий-педагогик тузилмаси, таълим кластерларининг горизонтал ва вертикал интеграцияси талаблари, шакл ва методлари, инновацион ривожланиш кўрсаткичларининг ўсиш даражасини асосланганлиги ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг худудий жиҳатларини такомиллаштиришнинг самарали йўллари, таълим

тизимининг рақобатбардошлигини таъминловчи “ўқув-илмий комплекс” тизимининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари, асосий қоидалари ва тавсияларидан олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувларга асосланган инновацион тизимини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаси ходимларининг илмий ва инновацион кўникмаларини баҳолаш ва мониторингини олиб боришда, “Менежмент” фанининг ўқув дастури мазмунини такомиллаштиришда, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш курсларида самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувлар асосида инновацион ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг инновацион ривожлантириш мазмуни, кластерли ёндашув асосида ҳудудий коллаборация, экспертлар тармоғи, кластер кафедралар, кластер технологиялари каби интеграция шакллари амалиётга кенг жорий этиш билан боғлиқ таклифлар олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талабларини, фан дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 майдаги 89-01-403-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг инновацион компетентлигини, таълим сифати менежменти борасидаги замонавий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилган;

кластерли ёндашув асосида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий шарт-шароитлари, таълим кластерларининг ижтимоий-касбий мослашиш даврини қисқартиришдаги педагогик имкониятларини эмпирик баҳолашга оид тавсиялар Жаҳон банкининг Академик Иновациялар фонди “Олий таълимни модернизациялаш” лойиҳаси (2016-2021 йиллар) мазмунига киритилган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 майдаги 89-01-403-сон маълумотномаси). Натижада, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ОТМда “Инновацион ўқув-илмий комплекслар” фаолияти мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш, инновацион “ўқув-илмий комплекс” тизимини киритиш билан боғлиқ таклифлардан “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020

йил 27 майдаги 6-4/22 рақамли маълумотномаси). Натижада, олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш асосида олий таълим муассасаларида мос соҳаларнинг муаммолари билан ишлайдиган инновацион гуруҳлар ташкил қилиш имконияти юзага келган;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантиришнинг тузилмавий-босқичли моделини таълим соҳалари бўйича ҳамкорлик мазмуни ва шаклларида горизонтал трансформацияга устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялардан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-121 "Разработка механизма интеграции вузовской науки в инновационную систему республики" мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 майдаги 89-01-403-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларида интеграциялашган касбий-ахборот муҳитини шакллантириш, ўқув жараёнида кластер технологияларини қўллаш, таълим хизматлари бозорини ривожлантириш талабларини хорижий тажрибалар асосида трансформациялаш имконияти кенгайган;

олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси инновацион ривожланиш кўрсаткичларининг ўсиш даражаси (Inputs, Outputs) кластерлар мониторингини амалга ошириш ва бошқаришнинг рақамли трансформацияга асосланган ахборот тизимларидан (data envelopment analysis) фойдаланиш борасидаги таклиф ва тавсиялардан олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг "Таълим сифати менежменти", "Таълим тизими менежменти" малака ошириш курслари мазмуни ҳамда ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 майдаги 89-01-403-сон маълумотномаси). Натижада, раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига "Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ташкил этиш" модули доирасидаги кластерлар менежменти, статистик ташхис, стратегик режалаштириш, илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда таълим хизматларини диверсификациялашга оид мазмунни такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 10 та Республика миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича битта дарслик, 3 та монография ва илмий журналларда жами 57 та мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация тадқиқотлари натижалари бўйича чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 35 та, шундан 21 та мақола республика ва 14 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 269 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаси фаолиятини кластер тизими асосида бошқаришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида кластер тушунчаси ва унинг иқтисодий фаолиятда ўрин олишининг эволюцион тарихи баён этилган. Кластер терминини фанга кириб келиши Майкл Южин Портер номи билан боғлиқ бўлиб, у компанияларнинг кластер ичидаги рақобатбардошлиги кўп ҳолларда унинг иқтисодий рақобатбардошлилик жиҳатлари билан аниқланилишини кўрсатиб беради. Кластерлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга инновацион ёндашув, ихтисосликнинг қайишқоқлиги, ишлаб чиқариш занжири доирасида мослаштирилиши билан фарқланиши тўғрисида адабиётлар маълумотлари Schmitz (1992), Swan (1996), Elsner (1998), Feser (1999), Волов (2000), Steiner (2001), Bergman ва Anderson (2004), Гусев (2007), Будаев (2008), Терешин ва Володин (2010), Анисцина (2010), Пономарева (2010, 2011), Чудинова, Бурдаков ва Волов (2012), Растборцева (2013), Хоменко (2014) каби тадқиқотчиларнинг тадқиқот натижалари асосида таҳлил қилинган.

Кластерлаштириш ёки кластерли ёндашув ва унинг ривожланиши бир асрдан ортиқ тарихга эга бўлиб, бирлашиш ёки биргаликда ҳаракат қилиш кластер тушинчаси билан ифодаланган. Бугунги кунда кластер атамаси асосида бошқариш, ишлаб чиқариш, таълим, илмий фаолият ва умуман деярли барча тармоқларда босқичма-босқич тарзда ўз ифодасини топмоқда.

Таълим ва фан интеграциясига асосланган “France Clusters (CDIF)” кластери Францияда 100дан ортиқ таълим йўналишига асосланган кластерлар билан ҳамкорик қилади ва бу компания мамлакатда таълим жараёнини кластерли ёндашувлар асосида ташкил қилишда мавжуд дастурларни қўллаб қувватлайди. REG X - The Danish Cluster Academy компанияси Данияда кластерли технологиялар асосида яратган дастури таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқот фаолиятини маълум тизим асосида кластер тизими асосида ташкил қилиш ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувлар асосида ривожлантиришга ихтисослашгандир.

Oxford Research AS, Европанинг 31 та мамлакатада кластерли сиёсатнинг фаолияти бўйича тадқиқот олиб боради. Бунда Европанинг 13 та мамлакатада 2 тадан вазирлик мамлакатнинг Oxford Research AS дастури асосида кластерли ёндашувларга асосланган таълим ва фан интеграциясини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолият олиб боришни ташкил этади ва назорат қилади.

Дастлаб кластерлар шаклланиш даврида ОТМ ларга катта аҳамият берилмаган. Лекин 20 аср охирларида инсон капитални ўрни кластерларни самарали фаолияти асосида аҳамиятга эга бўлди. Бунда инсон капитални етказиб беришда олий таълим муассасаларига эътибор ошди, яъни улар ёш мутахассислар, талантларни етказувчи эканлиги олдинги ўринга чиқди.

20 аср охирларида кластер ривожланишида ОТМларни ўрнини ўрганиш бошланиб, у қатор илмий ишларда тадқиқ этилганлиги таъкидланади, яъни Г.Ицковицни «Билимлар капитализацияси: илмий доиралар ва саноатнинг янги тўқнашувлари», Р.Бертон Кларк томонидан «Тадбиркорлик университетларни ташкил этиш» илмий ишида, ҳамда Европа комиссияси томонидан тақдим этилган HEInnovate услубияти ўз аксини топган.

Юқорида санаб ўтилган олимларни тадқиқотлари ёрдамида XXI аср бошида «Учлик спирали» концепцияси пайдо бўлиб, у ўзида давлат, ОТМ ва бизнес - ҳамжамиятни ягона зарур инструмент сифатида бирлаштириши қайд этилади. Айнан, у ҳудудий иқтисодиёт, умуман миллий иқтисодиётни кластеризациялашни мувоффиқиятли инструменти бўлиб хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар эса шуни кўрсатдики, бугунги кунгача фундаментал ва амалий аҳамиятга эга бўлган кўпгина масалалар ҳалигача ўз ечимини топганича йўқ. Жумладан, ҳозирги давргача “олий таълимнинг инновацион потенциали” тўғрисидаги тушинча шаклланмаган. Бусиз эса олий таълим тизимини баҳолаш ва инновацион потенциални ривожлантириш тўғрисида тегишли хулоса қилиб бўлмайди. Чунки олий таълим жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий бўғини ҳисобланади. Жамиятнинг қуйи бошқариш тизимидан то юқори бошқарув органигача мутахассислар олий таълим тизимида тайёрланади. Шунинг учун инновацион ривожланиш тизими энг аввало олий таълим тизимини қамраб олиши керак бўлади.

Диссертациянинг “Таълим тизимини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишда кластерли ёндашув принциплари” мавзусидаги иккинчи бобида ҳозирги кунда дунё мамлакатлари таълим тизимининг иккита асосий йўналиши фарқ қилиниши кўрсатиб ўтилган: булар глобаллашув ва минтақалашувдир. Ушбу йўналишлар бир вақтнинг ўзида қарама-қарши ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи сифатида баҳоланади.

Биринчи йўналиш – бу таълим соҳасидаги глобаллашув бўлиб, таълим бозорида рақобатбардошликни таъминлаш омили сифатида қаралади. Таълим тизими бугунги кунда бутун дунёда глобал масалалардан бири, истеъмолчилар ва иқтисодиёт талаб қиладиган барча турдаги хизматларни тақдим этади.

Иккинчи муҳим йўналиш - бу таълим тизимининг минтақалашуши. Таъкидлаш жоизки, ушбу тенденция сўнгги пайтларда муҳим аҳамият касб этмоқда ва ўз навбатида глобаллашув фонида пасайиб ҳам бормоқда. Глобаллашув, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, дунё миқёсида таълим хизматлари бозорида рақобатбардош бўлишни талаб қилади. Таълим кластери маълум муаммоларни ҳал қилиш учун инновацион таълим фаолиятининг марказида бирлаштирилган ўзаро боғлиқ объектлар

гурухларини (ўқув муассасалари, жамоат ва сиёсий ташкилотлар, илмий мактаблар, университетлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари, бизнес тузилмалари ва бошқалар) ўз ичига олган мослашувчан тармоқ тузилиши сифатида қаралади. Маълум бир натижага эришиш учун, таълим кластери ҳар қандай тузилма ёки ишлаб чиқарувчи кластерлар сингари таркибий қисмларни ҳамда маълум инфратузилма ва ўзаро таъсир этувчи йўналишларни ўз ичига олиши кўрсатилади.

Кластерли ёндашув тизимини яратишнинг асосий мақсади таълим, илмий ва инновацион салоҳиятни ошириш ва республикамиз таълим тизимининг педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бирлаштиришдан иборатдир.

Таълимда кластерли ёндашув ва унинг моделини яратилиши таълим самарадорлигини ифодаловчи, минтақавий ўрта ва олий таълим тизими ўртасидаги алоқаларни, таълим тизимида мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини кучайтириши билан боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу мақсадни амалга ошириш механизмларидан бири магистратура босқичи орқали умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарларининг мақсадли тайёргарлигини ташкил этишдан иборатдир.

Кластерли тизимни жорий этиш билан боғлиқ ҳолда олий таълим тизимини модернизациялаш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ва илғор технологияларни жорий қилиш таълим жараёнини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий аҳамиятга эга. Олий таълимни ислоҳ қилиш жараёнида 2та энг муҳим устувор йўналиш илгари сурилади:

олий таълимни моддий-техник базасини шакллантиришда кучли илмий тадқиқот базаси;

фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида кучли симбиотик алоқа.

Қайд этилган 2 та устувор йўналиш олий таълим тизимида таълим сифатини ривожлантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Олий таълим тизимида таълим жараёни илмий тадқиқот ва уларнинг натижадорлигисиз сифат кўрсаткичига эга бўлмайди. Шунингдек, олий таълим тизимини ишлаб чиқариш жараёни билан боғлаш ва симбиотик алоқаси асосида интеграцияни ташкил этиш юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг бош мезони бўлиб хизмат қилади.

Ўтган муддат давомида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция механизмини замон талабаларига мос даражада такомиллаштиришга эътибор берилмади. Оқибатда эса бугунги кунда юқори бошқарув тизимида хорижий мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда.

Таълим тизимида ўзига хос тарзда кризис пайдо бўлдики, бу таълимдаги классик ғоялар ва таълим модели инқирози бўлди. Бу кризис таълим жараёнини жамият ҳаёт тарзининг ўзгариши билан таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни ва ўқитиш технологиялари ўртасидаги узилишни юзага келтирди. Фанда жиддий инқироз юзага келди. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бошқаруви тузилмаси ўзгарди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тузилмаси фан-таълим тузилмасини бозор иқтисодиёти асосида ташкил этиш иқтисодиётни ўсишини таъминловчи тизимни шакллантира олмади.

Фан ва техника жадал ривожланаётган бугунги кунда олий таълим тизимида мустақил таълим жараёнини ривожлантириш ва “Илм орқали билим” технологияларига асосланган тизимни шакллантириш асосида “таълим-фан-ишлаб чиқариш комплекси”ни ташкил этиш ва улар ўртасида инновацион-интеграцион механизмни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, фанда юзага келаётган янги-янги кашфиётлар асосидаги илмий ахборотларни талаба қисқа муддатли ўқиши даврида ўзлаштириш имкониятига эга эмас. Иккинчидан, ҳаётий талаблар жуда тез ўзгараётган бир пайтда ишлаб чиқаришда ҳам янги-янги муаммолар юзага келмоқдаки, бу яратилаётган илмий кашфиётларга яна ҳам жиддийроқ ёндашишни талаб этмоқда.


Шунинг учун ОТМда таълим жараёнини ҳаётий талаб ва муаммолар ечимига мос ҳолда такомиллаштириб бориш лозимки, талабанинг имконият ва лаёқати келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ечимига қаратилган бўлиши керак. Шундагина ижтимоий жамият ва унинг иқтисодий барқарор ривожланишига асосли тарзда эришиш мумкин.

Айнан ана шу ўринда ОТМнинг ўрни ва ишлаб чиқариш ҳамда муассасалар қайси ОТМда тайёрланган мутахассис кадрларга эҳтиёж сезиши аниқ бўлади. Демак, корхона ва муассасанинг иқтисодий барқарор ривожланиши ОТМда тайёрланадиган юқори малакали мутахассис кадрларга ва уларнинг тайёрланиш ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунга асосан ОТМнинг моддий техник базасини замон талабалари даражасида шакллантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг механизмини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда ОТМ, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида уйғунликни таъминловчи тизим яратилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Шунга кўра ушбу амалий тадқиқот бўйича фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграция асосида яратилиши назарда тутилган “ўқув-илмий комплекс”нинг ташкил этилиши айнан, ОТМ тизимини ислоҳ қилишга йўналитирилгандир.

ОТМда “ўқув-илмий комплекс”нинг структураси ва унинг фаолият механизми қандай тартибда бўлиши мумкин?

Энг аввало шуни қайд этиш лозимки, жамиятнинг асосини ташкил этувчи 3 та муҳим ва улкан йўналишлар, яъни ОТМ, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида кучли ва замон талабалари даражасидаги симбиотик алоқани шакллантиришга эътиборни қаратиш керак. Бунда таълимдаги “ўзбек модели” га мос равишда “таълим учбурчаги” механизми шаклланади.

ОТМда ўқув-илмий комплекс таркибан таълим йўналишларига мос равишда кичик ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичига олган технопарк, илмий лабораториялар, тажриба майдонлари ҳамда келгусида битирувчиларни ишга қабул қилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларни ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. ОТМда ўқув-илмий комплекс структураси

ОТМда олиб борилган тажрибалар ва ривожланган мамлакатларнинг нуфузли ОТМда таълим жараёнини таҳлил этиш асосида шуни айтиш мумкинки, олий таълим тизимида таълим жараёнини талабаларнинг илмий тадқиқот ва амалий фаолиятларда иштирок этишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиниши уларнинг олаётган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш имконини беради, ишлаб чиқариш жараёнларига яқинлаштиради.

Таклиф этилаётган ОТМни инновацион ривожланиш модели иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим муассасаларининг инновацион ривожланиш модели сифатида: 1) ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш; 2) илмий тадқиқот ва инновацион ишланма яратиш тизимидаги 2 та асосий функцияси эътироф этилади. Улар илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Ушбу модел фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва улар ўртасида корпоратив ҳамкорлик тизими ва унинг механизмини юзага келтиради. Ушбу модел бир томондан ОТМни инновацион циклнинг барча босқичларида, яъни инновацияларни яратиш, кенг тарғиб қилиш ва жорий этишни ўз ичига олса, иккинчи томондан эса, инновацион жараённинг барча иштирокчилари билан ўзаро ҳаракатдаги натижага эришади.

Инновацион соҳа бўйича XXI асрнинг бошида Ньюкасл университети профессори Гендри Ицковиц ва Амстердам университети профессори Лоййет Лейдездор яратган “Учлик спирал” модели кенг тарқалди. “Учлик спирал” модели иқтисодиётнинг 3 та асосий институти бўлган ҳокимият, бизнес ва университет ўртасидаги чизикли ўзаро таъсирдан янада ривожланган бўлиб, қуйидаги уч манбага асосланади:

1. ОТМнинг бизнес ва ҳукумат билан ўзаро боғлиқликда иқтисодий инновацион ролини кучайиши;

2. Давлатнинг ташаббуси билан ташкиллаштирилмаган, аммо илм-фан, бизнес ва давлатни ҳамкорликка бўлган интилишининг инновацион механизмга айланиши;

3. Бошқа мавжуд вазифаларни илмий тадқиқот муассасаларининг ҳар бири қисман ўз зиммасига олиши.

“Учлик спирал” моделида ОТМ инновацион жараённинг бошланғич нуқтаси, янги билим ва технологияларни генератори сифатида намоён бўлади. Улар давлатнинг инновацион салоҳияти ва миллий иқтисоднинг рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Ўзбекистонда айнан ўхшаш ҳолат кузатилди: глобал таҳликаларни аниқ англаш ҳокимият тузилмаларини прогрессив турдаги иқтисодни жадаллашган ривожига қаратилган фаол ҳаракатларга йўналтирди.

“Учлик спирал” модели бўйича тадқиқотларимизни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида олиб бордик. Бу ерда илм ҳажмли компания, илмий тадқиқот институтлари, конструктор бюроси ва лабораторияларни ўз ичига қамраб олган “илмий ўқув инновацион комплекс” яратилди.

Диссертациянинг III боби **“Таълим хизматлари бозорида олий таълим тизимини инновацион ривожланишининг кластерли ёндашувларга асосланган назарий-методологик хусусиятлари”** деб билан номланиб, бунда бугунги кунда ҳар бир мамлакат, илмий, технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар, инновациялар умумий тамойилларига асосланиб, илмий-технологик салоҳият, меҳнат ва хом ашёси захиралари ҳолати, табиий-иқлим шароитлари, иқтисодиётнинг ўзига хосликлари кабиларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг инновацион тизимини яратишга интилиши билан боғлиқ маълумотлар баён этилади.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат органларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги бебаҳо ўрни туфайли олий таълим тизими ва таълим хизматлари бозорини ривожлантириш муаммосига эътибор кучайиши кузатилмоқда.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, олий таълим муассасаси ривожланиши инновацион модели рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш сифатини таъминлашнинг асосий омили сифатида ўқув жараёнига инновацияларни киритишни ўз ичига олади, деб ҳисоблаймиз. Кадрларни ўқитиш сифати тадқиқотларнинг ривожланиши, муассасанинг инновацион фаолияти ва талабаларни изланишларга жалб қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Шубҳасиз, илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион лойиҳаларда талабаларнинг иштирокисиз замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни сифатли тайёрлаш мумкин эмас.

Ўз навбатида олий таълим муассасасидаги инновацион жараён учта асосий элементни қамраб олади: инновацияларни яратиш, мослаштириш ва қўллаш. Инновациянинг асосий ва энг муҳим мезони бу самарадорликдир. Бу шуни англатадики, олий таълим тизимидаги ҳар қандай инновация ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашга қаратилган. Шу сабабли,

инновацион ўқув жараёни бу зарур инновациялар тўпламини амалга оширадиган ва унинг самарадорлигини оширишга имкон берадиган жараён эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

Шундай қилиб, олий таълим муассасасининг инновацион фаолияти билим, таълим технологиялари, ўқитиш усуллари соҳасида инновацияларни яратиш ва жорий этишдан иборат бўлиб, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш – миллий иқтисодиётнинг турли соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат. ОТМнинг инновацион ривожланишига таъсир этувчи омиллар таснифи уларни мунтазам тизимли ўрганиш нуқтаи назаридан алоҳида эътиборга лойиқдир. Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида муассасанинг инновацион ривожланиши ташқи ва ички омилларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Илмий-педагогик кадрларни рағбатлантириш омили олий таълим муассасасининг инновацион фаолиятини амалга оширилишидаги жуда муҳим омил ҳисобланади.

Бу шуни англатадики, таълим жараёнининг барча иштирокчилари ОТМни ривожлантириш учун инновацион моделнинг зарурлиги ва фойдалилигини билсаларгина инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир бўладилар. Бунда ўта зарурий шарт – бу таълим жараёни иштирокчиларида инновацион онг, инновацион маданият ва тадбиркорлик типидagi яратувчанликни шакллантиришдир.

Диссертациянинг “Илмий-тадқиқот ишлар самарадорлигини оширишда кластерли ёндашувларга асосланган таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ўрни” деб номланган тўртинчи бобида фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини илмий-инновацион интеграциясини самарали йўлларида бири олий таълим муассасаларида инновацион гуруҳларни шакллантириш ва корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлигига тааллуқли:

тажриба-синов ишларини ўтказиш ва олинган натижаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари интерпретацияси, интеграция ва илмий фаолиятни ривожлантириш механизмларининг самарадорлигини аниқлаш масалалари баён қилинган.


Педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги унинг махсус компьютер дастури Matlab асосида олиб борилганлиги, ҳудудий танланма анкета-сўровноманинг қўлланилиши, тегишли шарт-шароитнинг яратилганлиги ҳамда касбий компетентлик даражасини белгиловчи инфор­мацион ва аналитик мезонларнинг ишлаб чиқилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади.

Шу билан бирга, таълим тизимида талаба-ёшларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда интеграция жараёнлари муҳим аҳамият касб этади, интеграция жараёнлари қисқа муддат ичида ОТМ кафедраларининг илмий имкониятлари кенгайишига кўмаклашади. Бугунги кунда фан ва таълим интеграциясининг ривожланиши кўп жиҳатдан амалга ошириладиган тадқиқотларга ҳам боғлиқ.

Замонавий таълимда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда олий таълим асосий босқичлардан бири ҳисобланади ва унда талабалар тадқиқотчилик фаолиятларининг аниқ йўналишларига эга бўладилар.

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашган тузилмасида давлат даражасида бевосита фан ва таълим ушбу шерикликнинг ҳал қилувчи бўғини эканлиги ва шу асосда тараққий этган давлатларда инновациявий иқтисодиётни ривожлантиришда илмий-тадқиқот марказларининг фаолиятини ўрганиш ва миллий интеграция жараёнини ташкил этиш мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини узвийлигини таъминлаш асосий вазифаларидан бирига айланди.

Таълим ривожланишининг муҳим хусусияти унинг глобаллиги ҳисобланади. Ушбу хусусият замонавий дунёда интеграцион жараёнларнинг мавжудлигини, жамият ҳаётининг турли соҳаларида давлатлар орасидаги ўзаро интенсиф ҳамкорликларни ўз ичига олади. Таълим соҳаси юқори ривожланган мамлакатларнинг миллий устуворликлар тоифасидан жаҳон устуворликлари тоифасига ўтмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳозирги кунда қуйидаги тизимда кадрлар тайёрлаш олиб борилади (2-расм).



2-расм. Ривожланган мамлакатлардаги олий таълимнинг бозор модели

Ҳозирги кунда ОТМлари миллий инновацион тизимнинг асосий инновацион элементи сифатида, қабул қилинган давлат қонунлари ва дастурлари доирасида инновацион фаолиятни жадал олиб боришлари керак бўлади. Маълумки, ОТМларнинг инновацион фаолияти унинг инновацион потенциалини ривожлантиришда сезиларли даражада ҳисса қўшиши табиий. Бинобарин, ОТМларнинг инновацион потенциалини баҳолашнинг мавжуд услубий ёндашувларини ўрганиш уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун заҳираларни аниқлашга ёрдам беради.

Шунга кўра олиб борилган тадқиқотлар бўйича асосли хулосалар чиқариш мақсадида ОТМларнинг инновацион фаолияти ва салоҳиятини ҳар томонлама таҳлил этиш ва маълумотлар базасини шакллантириш бўйича сўровномалар мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Шу муносабат билан диссертация тадқиқотлари доирасида 2015-2017 йилларда мазмунан янгича анкеталар асосида сўровнома-таҳлиллар ўтказилди.

Эксперт сўрови интервью шаклида ўтказилди. Норматив-ҳуқуқий база, инновацион менежмент, университетда инновацион фаолиятни ривожлантириш, инновацияларни молиялаштириш ва уларнинг рентабеллиги, талаба ва докторантларни, профессор-ўқитувчи ваилмий-ижодий ходимларни инновацияларга жалб қилиш билан боғлиқ масалалар экспертлар билан муҳокама қилинди.

Эксперт сифатида ОТМ раҳбарлари, таркибий бўлинмалари бошлиқлари, илмий-ўқув марказларнинг мутахассислари, талаба ва ўқитувчилар жалб қилинди. Сўровномада Тошкент шаҳридаги 3 та ОТМ, Фарғона минтақасидаги 2 та ОТМ, Шимолий минтақадаги 3 та ОТМ ва Жанубий минтақадаги 3 та ОТМдан, жами 125 та респондент иштирок этди (3-расм).



3-расм. Сўровда қатнашган олий таълим муассасалар географияси

Сўровномада Тошкент шаҳридаги 3 та университет, Фарғона минтақасидаги 2 та университет, Шимолий минтақадаги 3 та университет, ва Жанубий минтақадаги 3 та университетдан, жами 125 та респондент иштирок этди. Таъкидлаш керакки, сўровда қатнашган 125 респондентдан 10 нафар эксперт марказлар раҳбарлари бўлган. Тадқиқот иштирокчиларининг кўплиги ҳозирги пайтда ОТМда кам сонли тузилмалар яратилганлиги билан изоҳланади. Шундай қилиб, ОЎМТВ маълумотларига кўра республиканинг 38 та ОТМдан атиги 10 тасида илмий-ўқув марказлар ёки унга тенглаштирилган лабораториялар ва марказлар мавжудлиги аниқланди. ОТМда фаолият юритаётган кафедра мудирларининг аксарияти 35 ёшгача

(6 киши), 48 дан 59 ёшгача - 3 киши. Иқтисодчиларнинг иш стажи унчалик катта эмас: 4 киши бир йилдан кам ишлаган, 3 киши бир йилдан 3 йилгача.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, самарали инновацияларни амалга ошириш учун ОТМларда етарли имкониятларга эга экан. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ОТМда инновацияларни ривожлантиришда муҳим омил - бу турли манбалардан инновацион фаолиятни молиявий маблағлар билан таъминлашдир.

Анкета давомида ОТМ раҳбарлари, фан ва инновациялар бўйича проректордан тортиб, ўқув бўлими, мониторинг ва сифат бўлими бошлиқлари, профессор-ўқитувчиларга: “Сизнинг университетингизда инновацион стратегия ишлаб чиқилганми ва қайси даврда?” деган саволга респондентларнинг 45 фоизи ОТМ инновацион бўлимни ўз ичига олган ОТМни ривожлантириш стратегиясини қабул қилинганлигини таъкидлашди. Қолган респондентлар ОТМ яқин келажакда инновациялар бўлимини қўшиб ОТМ стратегиясини ишлаб чиқиш ниятида эканлигини таъкидладилар.

Аксарият респондентларнинг таъкидлашича, ОТМнинг инновацион стратегияси таълим хизматларини модернизация қилиш, янги ўқув маҳсулотларини чиқариш, халқаро таълим бозорига чиқиш йўлларини топиш, шунингдек, таълим хизматларининг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, технологик инновацияларни жорий этиш орқали меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган. ОТМ раҳбарлари инновацион фаолликнинг ошиши таълим хизматлари сифати ва хилма-хиллигининг ошишига олиб келади ва натижада ОТМни таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликка олиб келади деган фикрда бўлдилар.

“Инновацияларга тўсқинлик қиладиган ва инновацион жараёнларни секинлаштирадиган асосий омиллар нималардан иборат” деган саволга респондентлар ОТМларнинг инновацион стратегиясининг мавжуд эмаслиги (55,6%), ўз маблағлари етишмаслиги (87,2%), инновацияларни жорий этиш юқори харажатни талаб қилишини (100,0%) таъкидлашди. Энг муҳим омиллардан бири, таълим истеъмолчиларининг янги таълим хизматларига тўлов қобилиятининг пастлиги (45,6%) қайд этилди. Шунингдек, сўровнома давомида инновацияларнинг пасайишига таъсир этувчи кучли ички омил - бу кадрлар етишмаслиги (92,1%) эканлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, 10 та ОТМда ўтказилган сўров натижасида ҳар бир ўрганилаётган омилларнинг аҳамияти даражаси натижалари аниқланди, улар 0 дан 100% гача баҳоланди.

ОТМларнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлиги нафақат ОТМнинг мавжуд инновацион салоҳиятига, балки ундан фойдаланиш интенсивлигига, яъни инновацион фаолиятга боғлиқдир. Инновацион фаолликни ошириш ОТМдан аниқ ҳаракатларни талаб қиладди. Шу муносабат билан, диссертация доирасидаги анкетага қуйидаги саволларни киритдик: “ОТМда инновацион фаолиятни ошириш учун нима қилиш керак?”. Тадқиқот натижаларига кўра инновацион фаолликни ошириш бўйича 11 та чора-тадбирлар аниқланди, улар инновацион фаолиятга ижобий таъсир кўрсатадиган бир қатор омиллар-

ни ўз ичига олди, улар 0 дан 100% гача баҳоланди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сўровнома 10 та олий таълим муассасалар орасида ўтказилди.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, инновацион фаолликни оширишга ОТМни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ўсиши (85,6%) катта таъсир кўрсатади. Инновацион фаолиятга сезиларли таъсир кўрсатадиган навбатдаги омил - бу ОТМнинг инновацион стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (80,1%) ва ходимларнинг малакасини оширишдир (73,6%).

Инновацион фаолликни оширишга нисбатан кам аҳамиятли таъсир кўрсатадиган омиллар қуйидагилар эканлиги аниқланди:

- инновацион инфратузилмани ривожлантириш (66,2%);
- меҳнат бозори субъектлари билан самарали ўзаро ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш (62,8%);
- инновацион харажатларни қоплаш муддатини қисқартириш (55,3%);
- менежерлар ва ходимларнинг инновацион лойиҳаларга бўлган қизиқишини ошириш (51,4%);
- инновацион таълим маҳсулотларига талабнинг ошиши (48,7%).

Анкетада ОТМларнинг инновацион иқлимига ташқи ва ички омилларнинг таъсирини аниқлаш учун “ОТМнинг инновацион муҳитини белгилайдиган устувор ташқи ва ички омиллар нималардан иборат” деган савол киритилди. Сўровнома жараёнида 7 та устувор омиллар аниқланди, булар: сиёсий; ҳуқуқий; иқтисодий; ташкилий, ижтимоий, инфратузилмавий; бошқарув. Юқоридаги барча омиллар 0 дан 100 % гача баҳоланган тадқиқот натижасида ҳар бир устувор омил бўйича қуйидаги натижалар олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Сўров натижаларига кўра омиллар улуши


Омиллар	Омиллар улуши
Сиёсий	10,3
Бошқарув	12,3
Ҳуқуқий (меъёрий-қонунчилик актлар, ОТМ инновацион стратегияси)	10,1
Иқтисодий	28,2
Ташкилий	8,1
Ижтимоий	18,6
Инфратузилмавий	12,4
ЖАМИ:	100%

Сўров натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ОТМнинг инновацион муҳити иқтисодий шароитларга кўпроқ боғлиқ бўлиши (28,2%), ундан кейин эса ижтимоий (18,6 %), инфратузилмавий (12,4%) ва бошқарув (12,3%) омилларнинг туриши, сиёсий (10,3%), ҳуқуқий(10,1%), ташкилий (8,1%) омилларга эса кучсиз боғлиқ экан.

Юқоридагиларни умумлаштириб, ОТМларнинг инновацион муҳитини белгиловчи омилларни қуйидагича тоифалаш мумкин:

- биринчи ўрин - иқтисодий;
- иккинчиси - ижтимоий;

учинчиси - инфратузилма ва бошқарув;
тўртинчиси - сиёсий ва ҳуқуқий;
бешинчиси – ташкилий (4-расм).



4-расм. Олий таълим муассасаларининг инновацион муҳитини белгиловчи омиллар

Инновацион муҳитга унинг ривожланиши учун муҳим омил, масалан, турли манбалардан инновациялар тўғрисида олинган маълумотлар таъсир қилади. Бундан ташқари, сўровнома давомида инновацион фаолиятни ОТМнинг иқтисодий фаолияти натижаларининг таркибий қисми сифатида ажратиш жуда қийин вазифа эканлиги аниқланди, чунки кўпчилик респондентларнинг таъкидлашича ОТМларнинг фаолиятлари инновациялардан даромадларни мунтазам равишда олишга қаратилмаган.

Машҳур иқтисодчи олим Майкл Портер ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳудудда марказлашиши ҳамда уларнинг фан ва таълим билан интеграциялашиши сабабларини кўрсатиб берган. Бунинг асосий сабаби-рақобатдир. Агар маҳаллий бозорда юқори рақобат устунлигига эга бўлган компания пайдо бўлса, бошқа ишлаб чиқарувчилар мураккаб муаммога рўпара келади. Улар ўзларининг рақобатбардошлиklarини оширишлари, ёки бозорни тарқ этишлари зарур бўлади. Чунки бозорда аста-секин юқори рақобатбардошлик салоҳиятига эга бўлган компанияларнинг жамланмаси шаклланади. Улар бошқа минтақалар ва чет эл бозорларига чиқиб, маҳаллий рақобатчиларни четга суриб қўяди. Натижада бир ҳудудда марказлашган компания ва фирмаларнинг кластери шаклланади.

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновациялар яратиш ва уларни жорий этиш учун интеграциялашиши шериклар ҳар бирининг қуйидаги мақсадларга эришишини назарда тутади:

- инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда шериклар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятини янада ошириш;
- ўз мақсадларига эришиш учун шерикларидаги мавжуд ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
- интеграциялашган тузилманинг инвестициявий жозибадорлигидан фойдаланган ҳолда учинчи томоннинг молиявий ва бошқа ресурсларига эга бўлишни осонлаштириш.

Шу билан бирга интеграциялашган инновациявий тузилмадаги шерикларнинг ҳар бири фаолиятининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яъни, олий таълим муассасалари анъанавий ва инновациявий, илмий-тадқиқот институтлари академик ва тармоқ, корхоналар йирик, ўрта ва кичик бўлиши мумкин. Бу турли тармоққа мансуб, салоҳияти турлича субъектларни бирлаштириш синергия самарасига эришиш мақсадини кўзлайди.

Демак, ривожланган мамлакатлар фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси инновацион ривожланиш тизими ва маҳаллий ОТМ фаолиятини ишлаб чиқариш билан боғлиқлик ҳолатни таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мамлакат рақобатбардошлигини ошириш учун миллий инновацион тизимни ташкил қилиш ҳамда уни доимий такомиллаштириб бориш зарур. Кўпгина моделларга эътибор берадиган бўлсак, баъзи инновацион тизимда қисман, баъзиларида эса тўлиқ равишда давлатнинг ўрни борлигини кўринади. Ушбу тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида, мамлакатларнинг фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ривожланишига ўтишида бепул таълим (Германия), илм-фанга қилинган юқори харажатлар (Германия, Финляндия) каби дастлабки шартлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш мумкин. Маълум бир вақт давомида жадаллик билан инновацион ривожланиш йўлига ўтган давлатлар (Хитой, Жанубий Корея) тажрибасидан олий таълим тизимидан самарали фойдаланиш орқали юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишни кўрсатиб берди. Босқичма-босқич олиб борилган иқтисодий сиёсат ҳам мамлакат ички ва ташқи имкониятларига кўра амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Тадқиқотимизда мамлакатда инновацион фаолиятнинг бугунги ҳолати ва республикадаги ОТМ потенциални таҳлилиасосида инновацион ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ички муаммолар аниқланди. Булар қуйидагилардан иборат: ОТМни ривожлантириш бўйича аниқ келишилган режа ва мақсадли регламентнинг йўқлиги; ОТМни бошқаришнинг самарасиз тизими; ОТМ фаолияти учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги; тадқиқот ва ишланмаларни замонавий меҳнат бозори талаблари билан мувофиқлаштирилмаганлиги; ОТМ профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида илмий-техник ахборот алмашинуви, инновацион онг ва инновацион маданиятнинг талаб даражада эмаслиги; ОТМ кадрлар потенциалининг нисбатан заифлиги ва ходимларда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мотивациясининг яхши шаклланмаганлиги; манфаатдор томонларнинг ОТМ бошқарув жараёнига жалб этилмаслиги; ОТМда инновацион жараёнларни амалга оширишда тизимли ёндашувнинг йўқлиги, уларнинг расмий ва тақсимланмаганлиги; халқаро муносабатларнинг ривожланмаганлиги ва ахборот-коммуникация таъминотидаги заиф инфратузилмаларнинг сақланиб қолиши ва бошқалар.

Таъкидлаш керакки, ОТМ инновацион ривожланишининг асосий манбаи унинг ички муҳити ҳисобланади. ОТМнинг инновацион ривожланиши унинг


рахбарияти, илмий ва педагогик ходимлари ҳамда талабаларининг фидойилиги ва ташаббускорлиги, креатив фикрлаши ва инновацияларни яратишисиз амалга оширилмайди. Тадқиқот олиб бориш жараёнида фаолиятни моделлаштириш учун норавшан-мантиқий тўпламлар назариясидан фойдаланган ҳолда ОТМларнинг умумий фаолиятини баҳолаш учун математик модел таклиф қилинди. Дастур *Matlab* компьютер таъминотида ишлаб чиқилди. Норавшан-мантиқий тўпламдан фойдаланган ҳолда ОТМларнинг илмий фаолияти ҳолатини баҳолаш учун ушбу модел нафақат қарор қабул қилувчилар учун, балки ОТМ илмий фаолияти ҳолатини баҳолаш учун фойдали бўлади. Шунингдек, ОТМ илмий фаолиятини баҳолаш учун йиллик ҳисоботларни ёзишда ҳам қабул қилиниши мумкин. Моделлаштириш натижалари норавшан мантиқдан фойдаланган ҳолда ОТМ илмий фаолияти ҳолатини баҳолашда самарадорлигини тасдиқлайди.

ОТМнинг илмий фаолияти қуйидаги йўналиш шаклида намоёиш этилиши мумкин:

$$S = \langle \text{ФИТ}, \text{АИТ}, \text{ИТФ}, \text{ЭИ} \rangle,$$

бунда, ФИТ - мавзу бўйича янги билимларни олишга қаратилган фундаментал илмий тадқиқотлар; АИТ - кўриб чиқилаётган дастурий таъминотда аниқ муаммоларни ҳал қилишда фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга қаратилган амалий илмий тадқиқотлар; ИТФ - технологик, муҳандислик, иқтисодий ва ҳоказоларни ҳал қилиш учун ФИТ ва АИТ натижаларини қўллашга қаратилган илмий ва техник фаолият; ЭИ - АИТ илмий натижаларига асосланган ёки АИТ ва ИТФ асосида олинган ва янги технологиялар, асбоблар, хизматлар, усуллар ва уларни янада такомиллаштиришга қаратилган амалий тажриба натижаларига асосланган экспериментал ишланмалар.

ОТМ илмий фаолиятининг ташҳисини қуйидаги таркибий диаграмма шаклида тақдим этиш тавсия этилади (5-расм).



5-расм. ОТМнинг илмий-тадқиқот фаолиятини диагностика ҳолатини тузилмавий схемаси

Ушбу схемада S , $S_{\text{ФИТ}}$, $S_{\text{АИТ}}$, $S_{\text{ИТФ}}$, $S_{\text{ЭИ}}$, X_1 , X_2 ..., X_{15} барча параметрлар фазосида лингвистик параметрлар деб қабул қилинади $[0, 100]$ %. А.П. Ротштейн (2008) таъкидлашича барча параметрлар учун атамаларнинг ягона шкаласини ишлатади: П - паст, ўП – ўртачадан пастроқ, Ў - ўртача, Ўю - ўртача даражадан юқори, Ю - юқори ва тегишли аъзолик функциялари билан ифодаланади.

5-расмда кўрсатилган структуравий диаграммага кўра қуйидаги норавшан боғлиқликларнинг тузилиши аниқланади:

$$S = f(S_{\text{ФИТ}}, S_{\text{АИТ}}, S_{\text{ИТФ}}, S_{\text{ЭИ}}) \quad (1)$$

$$S_{\text{ФНИ}} = f_{\text{ФИТ}}(X_1, X_2, \dots, X_9) \quad (2)$$

$$S_{\text{ПНИ}} = f_{\text{АИТ}}(X_1, X_2, \dots, X_8, X_9) \quad (3)$$

$$S_{\text{НТД}} = f_{\text{ИТФ}}(X_7, X_8, \dots, X_{13}) \quad (4)$$

$$S_{\text{ЭР}} = f_{\text{ЭИ}}(X_{10}, X_{11}, \dots, X_{15}) \quad (5)$$

Норавшан параметрлар (1) - (5) боғлиқлик параметрларига кириш параметрларининг аҳамияти эксперт сўрови билан аниқланади. Мутахассис эксперт сифатида етакчи олимлар, ахборот технологиялари, маълум фанлар бўйича юқори даражадаги мутахассислар қабул қилинади.

Параметрларнинг аҳамиятини ва уларнинг аҳамиятлилик даражасига кўра танланиши Саати усули бўйича амалга оширилади.

ОТМнинг илмий-тадқиқот ишларига кўра лингвистик параметрлар (ЛП) ва X_1 - X_{15} атамалари тегишли компонентлар - атамалар билан норавшан векторлар сифатида тавсифланади.

Ушбу усул асосида ОТМнинг инновацион ривожланишининг ташқи муҳитини баҳолаш жараёнида ўқув муассасасига нисбатан ташқи муаммолар ҳам таҳлил қилинади. Ташқи муҳит таҳлили қуйидаги чора - тадбирларни ўз ичига олади: истеъмолчиларнинг даромадлари даражаси ва ОТМнинг янги таълим хизматларини афзал кўриши; инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда рақобатни аниқлаш учун бозор муносабатлари тадқиқотларини ўтказиш; ОТМнинг таълим хизматлари ва меҳнат бозорида ўрнини аниқлаш, жамиятнинг ОТМга муносабати ва бошқалар.

Диссертациянинг “Инновацион ривожланишининг кластерли ёндашувларга асосланган стратегияси ва асосий йўналишлари”, деб номланган V бобида ОТМнинг инновацион ривожланишини ички муҳити тенденциялари ва омиллари таҳлил қилинган: ОТМ ўз фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича инновацион фаолияти натижаларини комплекс баҳолаш; ўқув жараёнидаги инновациялар самарадорлигини баҳолаш; ОТМнинг инновацион фаолиятини кадрлар билан таъминлашни баҳолаш; моддий-техник ва молиявий таъминот даражасини баҳолаш; ташкилий ва бошқарув ёрдамни баҳолаш.

Олиб борган тадқиқотимиз асосида мамлакатда инновацион фаолиятнинг бугунги ҳолати ва ОТМ инновацион потенциалини таҳлилиасосида инновацион ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ички муаммолар шакллантирилди. Булар қуйидагилардан иборат: ОТМни ривожлантириш бўйича аниқ келишилган режа ва мақсадли регламентнинг

йўқлиги; ОТМни бошқаришнинг самарасиз тизими; ОТМ фаолияти учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги; тадқиқот ва ишланмаларни замонавий меҳнат бозори талаблари билан мувофиқлаштирилмаганлиги; ОТМ профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида илмий-техник ахборот алмашинуви, инновацион онг ва инновацион маданиятнинг талаб даражада эмаслиги; ОТМларнинг кадрлар потенциалининг нисбатан заифлиги ва ходимларда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мотивациясининг яхши шаклланмаганлиги; манфаатдор томонларнинг ОТМлар бошқарув жараёнига жалб этилмаслиги; ОТМларда инновацион жараёнларни амалга оширишда тизимли ёндашувнинг йўқлиги, уларнинг расмий ва тақсимланмаганлиги; халқаро муносабатларнинг ривожланмаганлиги ва ахборот-коммуникация таъминотидаги заиф инфратузилмаларнинг сақланиб қолиши ва бошқалар.

Ўтказилган тажриба ва синов натижаларига кўра ОТМнинг инновацион ривожлантириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ деб топилди (Расм 6):

-ОТМни ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

-ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тўғри фойдаланиш асосида ОТМнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш;

-ички ва ташқи муҳит омилларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ОТМни бошқариш тизимини такомиллаштириш;

-ОТМнинг таркибий бўлинмалари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш;

-янги инновацион ва илмий марказларни яратиш;

-тажрибали илмий ва педагогик кадрлар раҳбарлигида талабаларни ОТМнинг инновацион ва илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш;

-талабаларнинг инновацион фаолияти соҳасида ўзини-ўзи бошқариш тизимини қўллаб-қувватлаш;

-малака ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш;

-халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва самарали жамоат алоқаларини таъминлаш ва ҳ.к.

Халқаро таълим хизматлари бозорида ОТМнинг жозибadorлигини ошириш, талабалар ва илмий-педагогик кадрларнинг академик ҳаракатчанлигини ривожлантириш учун ОТМнинг таълим сифатини таъминлаш соҳасидаги ижобий имиджини шакллантириш ва кўтариш зарур. Бу ҳолатлар ОТМнинг барча фаолиятини сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишга асосланган сифатли маданиятни шакллантиришга йўналтиришни талаб қилади. Самарали сертификатланган сифат менежменти тизимининг мавжудлиги олий таълим хизматларини тақдим этишнинг юқори сифати ва халқаро миқёсда малакаларнинг тан олинishi кафолати бўлиб хизмат қилади.



6-расм. Олий таълимни ривожлантириш алгоритми

Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотларда ТАТУнинг инновацион ривожланиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизими 2030 йилгача ривожланиш Концепцияси ҳамда таълим ва инновация соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувларга асосланган инновацион тизимини яратиш таълимда менежерлик фаолиятини такомиллаштириш, юқори малкала кадрлар тайёрлаш ва меҳнат бозорида рақобатни ривожлантириш асосида ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни таъминлайди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация тадқиқотлари доирасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнида кластерли ёндашувлар асосида мутахассис кадрлар тайёрлашни тизимли ташкил этиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимиз таълим хизматларини жаҳон бозорига чиқариш бўйича маҳаллий ва хорижий мутахассис олимларнинг тадқиқотлари таҳлили ҳамда ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларга келинди:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида кластерли ёндашувларнинг назарияси, эволюцияси ва амалий аҳамиятини тадқиқ қилиш асосида таълимда кластерли тизимни жорий этиш принциплари ҳамда йўналишлари механизми ишлаб чиқилди ва илк бор олий таълим муассасаларида ўқитишнинг кластерли ёндашувларга асосланган тизими яратилган;

2. Олий таълим тизими фаолиятини кластерли ёндашувлар асосида ташкил этиш тамойили ва ривожлантириш тенденциялари ишлаб чиқилди ва шу асосида таълим сифатини ошириш ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муваффақиятларга эришиш имконини берган;

3. Инновацион ривожланишнинг “Учлик спирал” модели (давлат-ОТМ-ишлаб чиқариш) мамлакат иқтисодиётига тадбиқ этиш механизми таклиф этилган ва бу моделни жорий этилиши асосида инновацион ривожланишда ОТМ янги билим ва технологиялар генератори ролини ўйнаши тасдиқланган;

4. Илк бор олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг симбиотик тузилмасига эга бўлган ва кластерли ёндашувларга асосланган инновацион «ўқув-илмий комплекс» яратилган ва амалиётга жорий қилинган;

5. Кластерли ёндашувларга асосланган таълим хизматлари бозорининг ташкилий-иқтисодий ривожлантириш омиллари ишлаб чиқилган ва таълим хизматлари учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар (ОТМ), инновацион ишланмалар (илмий-амалий фаолият), амалиётлар (ишлаб чиқариш) базаларидан иборат шакллантирилган тизим олий таълимни ривожлантиришида инсон капитали ролини ошириши тасдиқланган;

6. Олий таълим тизимида ўқитишнинг кластерли ёндашувлар асосида яратилган технологияси ва шу асосида “Силикон воҳаси” (АҚШ), Цукуба (Япония), София-Антиполис (Франция), Левен-ла-Нев (Бельгия) каби ўнлаб интеграция тизимига кўра Гулистон давлат университетидаги фаолият мисолида яратилган инновацион «ўқув-илмий комплекс», Тошкент ахборот технологиялари университетида инновацион таълим тизими, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган амалий марказ» олий таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлик стратегиясини яратилишига асос бўлган;

7. Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида ОТМ фани, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бўйича ташкил этилган ҳудудий комплекслар ва Республикада фаолият кўрсатаётган 66 та ОТМ ва уларнинг жойлардаги 12 та филиалларида ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларнинг муаммолари ечимига қаратилган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар асосида ташкил этилган 2200 та инновацион гуруҳлар ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларнинг фаолияти корпоратив ҳамкорликлар механизмини такомиллаштиришга асос бўлган;

8. ОТМ фаолияти асосида инсон капитали сифатида илмий кадрлар тайёрлашнинг ишлаб чиқилган узлуксиз тизими механизми, кластерли ёндашувларга асосланган инновацион инфраструктуранинг шаклланишига асос бўлди;

9. Мамлакатда инновацион фаолиятнинг бугунги ҳолати ва республикадаги ОТМларнинг инновацион потенциалини оширишнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий ички омиллари кўрсатиб берилди ва бу ОТМнинг стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқишда дастур бўлиб хизмат қилади;

10. ОТМнинг илмий ва инновацион фаолиятини баҳолашда илк бор норавшан-мантиқий математик моделдан фойдаланилди. Бу ёндашув нафақат

қарор қабул қилувчилар учун ОТМнинг илмий фаолияти ҳолатини баҳолашда аҳамиятли бўлади, балки муассасани стратегик ривожланишини режалаштириш ва фаолиятини ифодаловчи ҳисоботлар тайёрлаш ва моделлаштириш имконини берган.

Амалий тавсия ва таклифлар:

1. Глобал ахборотлашув ҳамда жамиятда кечаётган ижтимоий ўзгаришлар суръатини инобатга олган ҳолда олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион интеграциясини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кластерли ёндашувларга асосланган “ўқув илмий комплекс”лар ташкил этилиши рақобатбардош ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу иқтисодий-ижтимоий ривожланиш имконини беради.

2. Олий таълим муассасларида таълим сифатини ошириш билан боғлиқ ҳолда илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва унинг моддий техник базасини такомиллаштирган ҳолда кластерли ёндашувларга асосланган стратегик ҳамкорликларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

3. ОТМ генератор ролини бажариши ифодаланган «Учлик спирал» модели (давлат-ОТМ-ишлаб чиқариш) механизминини қўллаш асосида «таълим, фан ва ишлаб чиқариш»нинг симбиотик инновацион ривожлантиришга асос бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSC.28/30.12.2019.PED.68.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ РАБОТНИКОВ
И СПЕЦИАЛИСТОВ СИСТЕМЫ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

УСМОНОВ БОТИР ШУКУРИЛЛАЕВИЧ

**ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ИНТЕГРАЦИИ ВЫСШЕГО
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА НА ОСНОВЕ
КЛАСТЕРНЫХ ПОДХОДОВ**

13.00.07 – Менеджмент в образовании

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент-2020

Тема диссертации на соискание степени доктора наук по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.DSc/Ped140.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.avloniy.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный консультант: Кушиев Хабибжон Хожибобоевич
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мирсолиева Мухаббат Тухтасиновна
доктор педагогических наук, доцент
Бегимкулов Узоқбой Шоимкулович
доктор педагогических наук, профессор
Шарипов Шавкат Сафарович
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный экономический университет

Защита диссертации состоится «25» 12 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 при Институте переподготовки и повышения квалификации руководящих работников и специалистов системы народного образования, Головном научно-методическом центре (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Зиё, дом 6. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:www.avloniy.uz; E-mail: avloniy@xtv.uz.)

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре института переподготовки и повышения квалификации руководящих работников и специалистов системы народного образования (зарегистрирована за № 16). Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Зиё, дом 6. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:www.avloniy.uz; E-mail: avloniy@xtv.uz.

Автореферат диссертации разослан «12» 12 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 5 от «12» 12 2020 года).



М.А.Юлдашев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.,
профессор

Ф.Э.Каримов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. ф.п.н, доцент.

З.К.Исмаилова
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Внедрение кластерного подхода в образование рассматривается в развитых странах мира как одно из важнейших направлений укрепления цифровой экономики, лидерства в высокотехнологичных сферах. В целях устойчивого развития ООН до 2030 года в качестве одного из глобальных индикаторов установлено развитие профессионально-технических, предпринимательских навыков, пользующихся большим спросом на рынке труда, повышение конкурентоспособности в научной и инновационной деятельности, обеспечение диверсификации образовательных услуг. Это, в свою очередь, требует совершенствования деятельности высших учебных заведений как инновационного кампуса, обеспечивающего интеграцию образования, науки и производства.

Ведущими научными центрами мира и исследователями проводятся изыскания, посвящённые развитию научно-инновационных кластеров, основанных на интеграции высших учебных заведений и производства, управлению кластерами, совершенствованию их конструктивных механизмов коммуникации, созданию открытых информационных систем для повышения инновационной активности кадров. В Глобальной конвенции ЮНЕСКО о признании квалификаций высшего образования (2019 г.) привлечение в процессы производства высококвалифицированных специалистов, подготовленных в высших учебных заведениях, непосредственно связано с их навыками системного анализа и креативного мышления, наличия профессиональных компетенций, обеспечивающих инновационное развитие. В развитии интеграции высшего образования, науки и производства проводятся научные исследования по таким перспективным направлениям, как внедрение современных методов и инструментов управления, формирование научно-теоретических основ инновационного образовательного кластера, совершенствование механизмов оценки инновационной деятельности высшего учебного заведения.

В нашей стране особое внимание уделяется развитию инновационной информационно-образовательной среды в системе подготовки кадров, обеспечению трансфера знаний на основе совершенствования интеграции науки, образования и производства. Развитие национальной экономики диктует необходимость высокого уровня организации образовательного процесса и системного внедрения достижений науки в производство. В Концепции развития науки до 2030 года поставлена такая задача, как «налаживание системы подготовки высококвалифицированных кадров, способных занять свое место на рынке труда, внести достойный вклад в стабильное развитие социальной сферы и отраслей экономики страны»¹. Это требует совершенствования модели инновационной интеграции в системе высшего

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5847 “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 8 октября 2019 года.

образования, основанной на кластерном подходе, организационно-управленческих и педагогических механизмов инновационного развития высших учебных заведений.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», № УП-6097 от 29 октября 2020 г. «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», №УП-6108 от 6 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», а также в Постановлениях № ПП-2909 от 20 апреля 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-3151 от 27 июля 2017 г. «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и секторов экономики в повышении качества высшего образования» и в других нормативных правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Исследования, посвящённые развитию интеграции высшего образования, науки и производства на основе кластерного подхода осуществляются ведущими научными центрами и высшими учебными заведениями мира, в том числе Massachusetts Institute of Technology (США), Stanford University (США), London University (Великобритания), Oxford University (Великобритания), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Zhejiang University (Китай), Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова (Россия) и Ташкентский государственный экономический университет (Узбекистан).

В результате проведённых в мировом масштабе исследований по

² Обзор международных исследований по теме диссертации составлен на основе SchmitzHubert. On the Clustering of Small Firms' in Rasmussen 'Flexible specialization: a new view on small industry // IDS Bulletin (Special Issue). 1992. - № 23 (3). - P. 64-69; Swann G. M. P., Prevezer M. and Stout, D., eds., The Dynamics of Industrial Clustering: International Comparisons in Computing and Biotechnology. Oxford: Oxford University Press, 1996.p 259. Swann G. M. P., Prevezer M. and Stout, D., eds., The Dynamics of Industrial Clustering: International Comparisons in Computing and Biotechnology. Oxford: Oxford University Press, 1996.p 259. Elsner W. An industrial policy agenda 2000 and beyond: Experience, Theory and Policy // Bremen Contributions to Institutional and Social-Economics. № 34. 1998. – P. 230-234. Elsner W. An industrial policy agenda 2000 and beyond: Experience, Theory and Policy // Bremen Contributions to Institutional and Social-Economics. № 34. 1998. – P. 230-234. Andersson, Thomas, Sylvia Schwaag Serger, Jens Sorvik, and Emily Wise Hansson. The Cluster Policies Whitebook. International Organisation for Knowledge Economy and Enterprise Development. Malmo 2004. – P. 234-239. Волов, В.Т. Фрактально-кластерная теория управления образовательными структурами: монография /В.Т. Волов. – Казань: Издательство Казанского гос. ун-та, 2000. - 303 с.

развитию интеграции высшего образования, науки и производства на основе кластерного подхода получен ряд научных результатов, в том числе: обоснована организационно-экономическая модель механизма повышения качества подготовки кадров в регионах на основе кластерного подхода и стратегии горизонтального сотрудничества (Massachusetts Institute of Technology, Stanford University); разработаны научные подходы к развитию системы конструктивного диалога интеграции государства, образования, научно-исследовательских институтов, к модернизации кластеров (London University), обоснован квалиметрический механизм финансово-экономической, социальной, технической, экологической оценки эффективности кластерного подхода на региональном и национальном уровне в повышении качества подготовки кадров (Oxford University); созданы концепция межотраслевого образования, управления кластерами и инновационных механизмов стимулирования (Ludwig-Maximilians-Universität München); создана гибридная структура интеграции науки, образования и производства на основе кластерного подхода (Zhejiang University); обоснована модель развития участия местных вузов в системе региональных инновационных кластеров (Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова); на основе кластерного подхода усовершенствованы организационно-структурные механизмы сотрудничества науки, образования и бизнеса (Ташкентский государственный экономический университет, Узбекистан).

В мире ведутся научные исследования по инновационному развитию интеграции высшего образования, науки и производства на основе кластерного подхода по следующим приоритетным направлениям: совершенствование организационно-управленческих механизмов интеграции образовательных учреждений, отраслей и секторов экономики на основе принципов менеджмента качества и инновационных кластеров; внедрение механизма «интеллектуального моста» на основе обеспечения преемственности и непрерывности деятельности вузов и научных центров посредством синергетического подхода; научно-теоретическое обоснование роли кластерного подхода в креативном предпринимательстве и диверсификации образовательных услуг высшего учебного заведения; определение социальной эффективности интеграции науки, образования и производства; совершенствование мониторинга деятельности кластеров с помощью цифровых систем управления.

Степень изученности проблемы. Научные исследования, посвящённые повышению качества подготовки кадров в нашей стране, сущности и содержанию современных концепций управления образовательными учреждениями, вопросы интеграции, преемственности и непрерывности образования в образовательном процессе, внедрения инноваций, информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс, проведены Р.Джураевым, Ш.Курбоновым, У.Бегимкуловым, Ш.Мардоновым,

Ф.Закировой, Н.Муслимовым, К.Олимовым, Ш.Шариповым, Э.Юзликаевой³.

Менеджмент системы образования, формирование инновационного менеджмента в системе высшего педагогического образования, внедрение механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента, формирование научно-теоретических основ инновационного кластера педагогического образования, механизмы совершенствования управления качеством образования в учреждениях повышения квалификации отражены в научных исследованиях таких учёных, как Ж.Йулдошев, У.Иноят, Я.Исмадияров, А.Магруппов, С.Тургунов, М.Юлдашев, М.Мирсолиева, У.Ходжамкулов⁴.

В странах Содружества независимых государств (СНГ) вопросы организации образовательных процессов на основе кластерных подходов изучены с научно-практической стороны в исследованиях, проведённых А.А.Араслановой, Н.В.Васильченко, Г.В.Мухаметзяновой, Е.А.Корчагиным, вопросы педагогической деятельности и проектирования в работах В.В.Давыдова, А.Н.Леонтьева, В.П.Беспалько, В.С.Леднева, М.И.Махмутова, В.А.Сластенина, создания современного механизма системы непрерывного образования – Б.С.Гершунского, А.М.Новикова, развитие системы высшего образования с учётом региональных аспектов – А.Г.Абросимова, Н.Васильченко, А.С.Субетто, В.П.Ковалевского, С.Б.Смирнова⁵.

³ Джўраев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовке в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дисс...док. пед. наук. -Т.:1995. - 43 с.; Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. -Т.: Шарқ, 2004. -552 с.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед.фан. док. ... дисс. -Т.:2007. -305 б.; Мардонов Ш. Педагог кадрларни таълимий кадрятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. Пед.фан. док. ...дисс. - Т.: 2006. -302 б.; Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических ВУЗах. Автореф. дисс. ...док. пед. наук. –Ташкент, 2009. – 39 с.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Пед.фан. док...дисс. -Т.: 2007. -315 б.; Маъмуров Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойихалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Пед.фан. док...дисс. автореф. –Т.: 2018. - 32 б.; Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Пед.фан. док. ...дисс. - Т.: 2005. -286 б.; Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед.фан. док. ...дисс. автореф. - Т.: 2012. - 46 б.; Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности. Дис... док. пед. наук. - Т.: 2012. - 284 с.

⁴ Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгиланиш йўлида.-Тошкент: Ўқитувчи, 2000.-207 б.; Иноят У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс...док. пед.наук. - Т.: 2003. -327 с.; Исмадияров.Я.У. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док. ...дисс. автореф. -Т., 2018. - 32 б.; Магруппов. А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док....дисс. автореф. -Т.: 2017. 31 б.; Тургунов. С.Т. Теоретические основы управленческой деятельности директора средних общеобразовательных учреждений. Автореф.дис. ...докт.пед.наук.-Т.: 2007-43 с.; Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш: Пед.фан.док....дисс. автореф. -Т., 2016. - 31 б.; Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док(DSc)....дисс. автореф. - Т., 2019. - 68 б.; Ходжамкулов У.Н.Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари: Пед.фан.док(DSc)....дисс. автореф. -Т., 2020. - 58 б.

⁵Арасланова, А.А. Управление качеством высшего профессионального образования на основе формирования региональных образовательных кластеров: монография / А.А.Арасланова. – 2-е изд., стер. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2016. – 462 с.; Васильченко Н.В. Формирование промышленных кластеров /

Большинство научных работ по обеспечению интеграции высшего образования, науки и производства, внедрению кластерного подхода посвящено изучению развития системы высшего образования и механизмов осуществления менеджмента. Недостаточная изученность приоритетных направлений интеграции системы высшего образования в мировую систему образования с точки зрения менеджмента образования, усиления взаимосвязи с рынком труда, теоретических и практических аспектов совершенствования интеграции образования, науки и производства с учётом региональных особенностей высших учебных заведений стали основанием для выбора темы данной исследовательской работы.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского химико-технологического института и Ташкентского филиала Московского государственного университета в рамках инновационных проектов А-1-121 на тему «Разработка механизма интеграции вузовской науки в инновационную систему республики» (2015-2017 гг.), проекта Национального научного Фонда Швейцарии SCOPES (2009-2012 гг.) «Institutional Partnerships: “Boost IT” сотрудничество на основе знаний в области разработки цифровых продуктов» и проекта “Модернизация высшего образования” (2019-2020 гг.) Фонда академических инноваций Всемирного Банка.

Целью исследования является совершенствование механизмов инновационного развития интеграции высшего образования, науки и производства на основе кластерных подходов.

Задачи исследования:

освещение методологических основ развития интеграции образования, науки и производства на основе кластерных подходов как научно-педагогической проблемы;

